

САИДАҲМЕДОВА Нодира Илхамовна,
Жиззах политехника институти доценти,
иқтисод фанлари номзоди

ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ ЗАХИРАЛАРИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ ВА ЎРНИ

УДК 330.4
ББК 65.30, 65.32

САИДАҲМЕДОВА Н.И. ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ ЗАХИРАЛАРИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ ВА ЎРНИ

Мақолада Ўзбекистонда сув захираларининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги роли ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинган.

Таянч иборалар: миллий хавфсизлик, озиқ-овқат хавфсизлиги, сув, сув захиралари, сув билан таъминланиш, сувдан оқилона фойдаланиш.

САИДАҲМЕДОВА Н.И. МЕСТО И ЗНАЧЕНИЕ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ В ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

В статье обсуждается роль водных ресурсов в обеспечения продовольственной безопасности и вопросы повышения эффективности их использования.

Ключевые слова: национальная безопасность, продовольственная безопасность, вода, водные ресурсы, водообеспеченность, рациональная использования водных ресурсов.

SAIDAKHMEDOVA N.I. THE ESSENCE AND IMPORTANCE OF WATER RESOURCES IN PROVISIONS SUPPLY SAFETY IN UZBEKISTAN

There is discussed in the article the essence and importance of water resources in provisions supply safety.

Keywords: national security, provisions supply safety, water, water resources, water supply, rational use of water resources.

Мамлакат миллий хавфсизлигининг таркибий элементларидан бири озиқ-овқат хавфсизлиги ҳисобланади. Озиқ-овқат хавфсизлиги кишиларнинг фаол ва соғлом ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларига жисмоний ва иқтисодий жиҳатдан ҳар бир даврда етарли миқдорда эришиш мумкин бўлган ҳолатdir.

1996 йилда Рим шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон озиқ-овқат форумида қабул қилинган "Бутун жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича Рим декларацияси"да ҳар қандай давлат ҳар бир фуқаросининг муайян овқатланиш ва очликдан халос бўлиш ҳуқуқларига мувофиқ, соғлиқ учун хавфсиз бўлган тўлақонли озиқ-овқат маҳсулотларига эришиш ҳуқуқини таъминлашга масъул эканлиги баён қилинган. Шунга кўра, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг иқтисодий ва аграр сиёсатининг бош мақсадларидан бири бўлиши лозим. Ҳар бир давлатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга бўлган интилиш узлуксиз жараён ҳисобланади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ривожлантирилиши муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалигининг ривожлантирилиши кўп жиҳатдан сув захираларининг қай даражада мавжудлиги ва ундан оқилона ҳамда самарали фойдаланишга боғлиқдир. Шу маънода сув захиралари мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди. Сув экотизимнинг асосини ташкил этади. Кишиларнинг ҳозирги ва келгуси авлодларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш сув захиралари ва улардан оқилона фойдаланишга боғлиқдир. Муайян сифат ва миқдорга эга бўлган сув захираларининг мавжудлиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати ва таомлар тайёрлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида "Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масала-

лари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вази-фалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади"¹, деб таъкидлаган.

Ер юзида иқлим ўзгариши натижасида юз бераётган табиий оғатлар, атроф-муҳитнинг ёмонлашуви, ирригация ва мелиорация тизимларининг етарли даражада ривожлантирилмаётганлиги, ер ва сув захираларидан самарасиз фойдаланиш оқибатида ерларни суғориш учун сув танқислиги, қурғоқчилик каби вазиятлар озиқ-овқат маҳсулотлари етиширишни қийинлаштирмоқда. Аммо йилдан-йилга аҳоли сонининг ўсиши, саноат ва энергетика ривожланиши натижасида сувга бўлган талаб ошиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан қишлоқ хўжалигида деҳқончилик суғоришга асосланган бўлиб, сув захиралардан тежамкорлик билан фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Республикаизда ишлатида-диган сувнинг 20% мемлакат ҳудудида, 80% Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудларида шаклланади. Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 17 марта Хельсинки шаҳрида қабул қилинган "Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги ва 1997 йил 21 майда Нью-Йоркда қабул қилинган "Халқаро сув оқимларидан кема қатновисиз фойдаланиш ҳуқуқлари тўғрисида"ги умум эътироф этилган халқаро конвенцияларга

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. / Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. // "Халқ сўзи", 2016 йил 15 декабрь.

аъзо бўлди. Ушбу халқаро конвенцияларга мувофиқ, барча давлатларнинг манфаатлари бирдек ҳисобга олинган ҳолда трансчегаравий сув захиралариданadolатли ва оқилона фойдаланиш ҳамда қўшни давлатларга "зарар етказмаслик" шарт ҳисобланади.

Трансчегаравий дарёларда қуриладиган барча йирик иншоотлар албатта халқаро холис экологик ва техник экспертизадан ўтказилиши ҳамда қўшни давлатлар билан келишилган ҳолдагина амалга оширилиши шарт. Сув ресурслари биринчи навбатда ичимлик ва санитария мақсадлари, сўнг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, экологик ҳолатни барқарорлаштириш ва шундан кейингина бошқа эҳтиёжларга берилиши керак.

Ўзбекистонда асосий сув истеъмолчиси қишлоқ хўжалиги бўлиб, унинг ҳиссасига фойдаланилдиган сувнинг 80%и тўғри келади. Республикаизда сўнгги йилларда суғориш учун йилига ўртacha 53,1 км³, шу жумладан, дарёлардан – 50,3 км³ (шундан, Амударё ва Сирдарёдан – 33,0 км³); ер ости сув манбаларидан – 1,95 км³ сувдан фойдаланилмоқда.

Қишлоқ хўжалигига вегетация даврида 36,1 км³, шу жумладан паҳтани суғоришга – 4,98 км³; шолини – 1,31 км³; бошоқли дон экинларини суғоришга – 3,15 км³, бошқа экинларни суғоришга – 16,7 км³ ҳажмдаги сувлардан фойдаланилмоқда. Новегетация даврида сувдан – 12,8 км, шу жумладан ер ювишда – 5,7 км³; кузги бошоқли дон экинларини, эртанги ва кечки полиз экинлари, боғ ва узумзорларни суғоришга 5,3 км³ ҳажмдаги сувдан фойдаланилмоқда¹.

Қишлоқ хўжалигига муҳим ресурс бўлган сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Сувдан

қанчалик оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланилса, шунчалик кўп ҳажмда ва юқори сифатли қишлоқ хўжалиги озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Мамлакатимизда сув хўжалигини ривожлантириш мақсадида охирги 10 йилда 1,5 миллиард доллардан ортиқ маблағ ажратилди. Бу маблағлар 20 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳаларига сарфланди. Сўнгги йилларда 1,5 минг километр каналлар, 400 йирик гидротехник иншоотлар, 200 насос станциялари, 386,0 минг гектар суғориладиган ерлар реконструкция қилинди. Каналлар ва гидротехник иншоотлар техник ҳолати яхшиланди. Шунингдек, ҳар йили 5,0 минг км магистрал каналлар, 100 минг км ички суғориш ва нов тармоқлари, 10 минг дона гидротехник иншоотлар ва гидропостлар тозаланади ва таъмирланди². 2016 йилда узунлиги 856,3 километрлик коллектор, 322,6 километр ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 233 вертикаль дренаж қудуғи, 12 та мелиоратив насос станцияси, 357,4 километр канал, 70,8 километр суғориш лоток тизими барпо этилди ва реконструкция қилинди³.

Сув захираларини тежаш бўйича мамлакатимизда ташкилий ва иқтисодий ҳамда агротехник тадбирлар амалга оширилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири фермерлар орасида сувни навбатма-навбат ишлатиш ҳисобланади. Экин далалари навбатма-навбат суғорилиши натижасида каналдаги сув исрофи 10-20%, ўқ-ариқлардаги сув исрофи 30-35% гача камаяди⁴. Яна бир тадбир суғориш тармоқларини ишчи ҳолатини таъминлаш, уларни тозалаш ва таъмирлашдан иборат. Канал ва ариқларни лойқалик ва бегона ўтлардан тозалаш далалар сув таъминотини яхшилайди.

¹ Чембарисов Э.И. Изучение современного гидрологического и гидрохимического режимов воды р. Амударья в целях обеспечения гидроэкологической безопасности. / Э.И.Чембарисов, А.Б.Насрулин, Т.Ю. Лесник // Водная, энергетическая и продовольственная безопасность в странах ВЕКЦА: проблемы и решения: сб. науч. тр. – Т.: НИЦ МКВК, 2013. Вып. 6. –С. 164–173; Узбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

² Узбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

³ Узбекистон Республикасини 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида. // Узбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги.

⁴ Узбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

Сувдан тежамкорлик асосида фойдаланиш учун қуидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- сувнинг қатъий ҳисоб-китобини жорий этиш;
- сувнинг олди-берди ҳисоб-китобларини тўлиқ юритиш;
- сувдан самарали ва тежамли фойдаланиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш.

Сувнинг қатъий ҳисоб-китобини жорий қилиш учун ҳар бир сув истеъмолчиси сув олиш қулоқларини сув оқимини ростловчи ва сув ўлчовчи воситалар билан жиҳозлаши лозим бўлади. Фермер хўжаликларининг сув олиш қулоқларини сувни бошқариш (дарғотлар) ва ўлчаш иншоотлари билан жиҳозлаш сувдан оқиллик билан фойдаланиш имкониятини яхшилади.

Суғорища сувдан самарали ва тежамли фойдаланишни ташкил этиш учун қуидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- суғориладиган ерларни текислаш;
- ер майдонининг нишаблигига қараб эгатлар узунлигини қисқа олиш (50-60 м);
- сувчилар сонини кўпайтириш ва ҳар 8-10 л/с сувга биттадан сувчи жалб этиш;
- тунги суғориш ишларини ташкил этиш ва сувчиларга керакли шароитларни яратиш;
- суғоришни шарбат оқизиб ташкил этиш ва қатор орасига ўз вақтида ишлов бериш;
- сувни ташламаслик, кўллатиб ва захлатиб суғоришга йўл қўймаслик;
- суғоришни экинлар талабидан келиб чиқиб ташкил этиш.

Қишлоқ хўжалигига сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳозирги даврда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шундай технологиялардан бири Эгатга плёнка тўшаб суғориш ҳисобланади. Эгатларга плёнка тўшаб суғорилганда оқава сувлар миқдори камаяди, эгатлар бутун узунлиги бўйича бир текис намланади, ўқариқлар қисқа масофада олинмайди ва суғориладиган майдондан буғланиш ва шимилиш камаяди.

Сувдан тежамкорлик билан фойдаланишнинг яна бир усули эгилувчан қувурлар, яъни шланкалар ёрдамида суғоришdir. Бу усулда эгилувчан шланкалар ўқариқни ўрнига ишлатилади, натижада сув ҳар бир эгатга бир текис тақсимланади.

Сувни тежамкор технологиялардан бири томчилатиб суғориш тизими бўлиб, бу усул бир қанча мамлакатларда кенг кўламда жорий этилмоқда. Томчилатиб суғориш тизими ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжига teng миқдордаги сувни зарур муддатда унинг илдиз қатламига етказиб беришга мўлжалланган босимли суғориш тармоғидир.

Ўзбекистонда 2013 - 2017 йилларда фермерлар ва бошқа ердан фойдаланувчилар томонидан 25 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизими, 45,6 минг гектар майдонда эгатга плёнка тўшаб суғориш усули, 34 минг гектар майдонда эса ўқ ариқлар ўрнига кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш усулини жорий этиш белгиланган¹.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги "Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 176-сонли қарори тасдиқланди. Унга асосан тежалган сувни бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда такрорий экин этиштиришга йўналтириш, тизимнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган ташкилотларга декларация қилинган нархлар бўйича полиэтилен гранула ажратиш белгиланган. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратиладиган кредит линиялари орқали имтиёзли йиллик 6 фоизли кредит ажратилмоқда. Тежалган сув ҳисобидан бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда такрорий экин этиштиришда фойдаланиш имтиёзи берилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

Сув тежамкор технологияларни жорий этишни рағбатлантириш мақсадида Солиқ кодексининг 367-моддасига асосан фермерлар 5 йил муддатга ягона ер солиғи тूлашдан озод этилган. Мазкур моддага асосан ягона ер солиғини тूлашдан юридик шахслар, ер участкасининг қайси қисмида томчилатиб суғоришдан фойдаланилаётган бўлса, ўша қисмида томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган ойдан бошлаб 5 йил муддатга озод қилинади.

Ўзбекистонда томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган умумий майдонлар 2009 йилда 1194 гектарни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 18361 гектарга етди. Кўчма эгилувчан қувурлар орқали суғориш 2011 йилда 839 гектарда жорий этилган бўлса, 2015 йилга келип уларнинг майдони 9596 гектарни ташкил этди. Эгатларга плёнка тўшаб суғориш жорий этилган ер майдонлари 2011-2015 йилларда 710 гектардан 11330 гектарга етди¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш мақсадида қўйидаги вазифалар белгиланган:

- таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариши кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация обьектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш

¹ Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш;- глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш².

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида қўйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- сув захираларини бошқариш тизими такомиллаштириш;
- суғориш тармоқларининг техник ҳолатини яхшилаш;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилиш ва уларнинг сув таъминотини ошириш;
- замонавий сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш;
- автоматлашган бошқарув ва кузатув тизимини яратиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқиши диверсификациялаш.

Эндиликда сув захираларидан тежамкорлик асосида оқилона фойдаланишни ташкил этиш учун қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сон қарори, маҳаллий ҳокимиятлар қарорлари асосида боғ, токзор ва сабзавотлар етиштириш учун узоқ муддатга ижарага берилаётган ер майдонларида томчилатиб суғориш тизимларини жорий қилиш шарти билан ажратиш тартибиға қатъий амал қилиш;
- ҳаражатлари давлат бюджети томонидан тўлиқ қопланадиган (насослар ёрдамида сув етказиб бериладиган) ва сув етказиб бериш

² 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармонининг 1-иловаси.

таннархи вилоятнинг ўртacha қийматидан баланд бўлган барча худудларда сув тежовчи суғориш технологияларини мажбурий тарзда жорий қилиш ва бунда амал қилмаган хўжаликларга нисбатан жарима қўллаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

– сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

– сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини янада ривожлантириш ва қўллаб-кувватлаш;

– сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш ҳамда уларни жорий этган қишлоқ хўжалиги субъектларини рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармони.

2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармонининг 1-иловаси.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олиjanоб халқимиз билан бирга қурамиз. / Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. // "Халқ сўзи", 2016 йил 15 декабрь.

4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. / Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. –Т.: "Ўзбекистон", 2017.

5. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. - Т.: "Akademiya", 2012.

6. Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўллари. - Т.: "Fan va texnologiya", 2015.

7. Гордиенко Д.В. Основы экономической безопасности государства. - М.: "Финансы и статистика"; "ИНФРА-М", 2009.

8. Бекенов С.С. Продовольственная безопасность – как составляющая экономической безопасности. // <http://www.cawater-info.net/pdf/bekenov2.pdf>

9. Демин А.П. Рациональное использование водных ресурсов центральной азии в целях обеспечения продовольственной безопасности. // <http://www.cawater-info.net/pdf/demin.pdf>

10. Чембарисов, Э.И. Изучение современного гидрологического и гидрохимического режимов воды р. Амударья в целях обеспечения гидроэкологической безопасности. / Э.И.Чембарисов, А.Б.Насрулин, Т.Ю.Лесник. // Водная, энергетическая и продовольственная безопасность в странах ВЕКЦА: проблемы и решения: сб. науч. тр. – Т.: НИЦ МКВК, 2013, вып. 6. –С. 164–173.

11. Ўзбекистон Республикасини 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида. / Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги .// <http://www.uzlidep.uz/ucz/news/>

12. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.